

Тураев Зиядулла Норсоатович,
Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

ТУРИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҒИ СИФАТИДАГИ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

УДК : 332.1:338.484.2(575.1)

ТУРАЕВ З.Н. ТУРИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҒИ СИФАТИДАГИ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Туризмнинг иқтисодийнинг тармоқларидан бири сифатида вужудга келиши, XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунгача бўлган даврдаги эволюцияси, ривожланиш босқичлари хусусиятлари, турли назариялар ва ривожланиш моделларининг афзаллиги ва камчиликлари мамлакатлар иқтисодий тараққиётида ўз аксини топган. Кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда туризм соҳасининг ривожланиши мамлакатнинг табиий ва тарихий-маданий ресурслари хусусиятлари, қулай географик жойлашуви, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳолати, унинг ривожланганлик даражаси, аҳоли турмуш даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланган. Асосий туризм марказлари ҳисобланган Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада, Осиё тинч океани минтақаси мамлакатларидан Хитой, Япония, Индонезия, Австралияда кўп йиллик бой тажриба тўпланган бўлиб, уларнинг босиб ўтган йўли, муваффақиятлари ва тажрибалари бошқа мамлакатлар томонидан ўрганилиб, ижобий томонлари амалиётга татбиқ этилмоқда. XXI аср бошларида туризм соҳасининг ривожланиши глобаллашувдан кейинги тўлқин сифатида кўплаб тадқиқотчилар томонидан эътироф этилаётганлиги, барча мамлакатларда туризм феноменига кўпроқ эътибор қаратилаётганлиги хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Таянч сўзлар: туризм саноати, меҳнат тақсимооти, ривожланиш босқичлари, тармоқ сифатида шаклланиш эволюцияси, фордизм, постфордизм, модернизация, постмодернизация.

ТУРАЕВ З.Н. ЭВОЛЮЦИЯ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА КАК ОТРАСЛИ ЭКОНОМИКИ

Возникновение туризма как одного из отраслей экономики, его эволюция со второй половины XX века до наших дней, характеристика этапов развития, преимущества и недостатки различных теорий и моделей развития находят свое отражение в экономическом развитии стран. Во многих развитых и развивающихся странах, являющихся основными туристическими направлениями, развитие туризма основывается на характеристиках природных, исторических и культурных ресурсов страны, выгодном географическом положении, состоянии производства, уровне его развития, уровне жизни. Многолетний богатый опыт был накоплен в Европе, США и Канаде, Азиатско-Тихоокеанском регионе, Китае, Японии, Индонезии и Австралии, тот факт, что развитие туризма в начале XXI века признается многими исследователями как волна постглобализации. Больше внимания во всех странах уделяется феномену туризма, требует изучения и анализа зарубежного опыта.

Ключевые слова: индустрия туризма, разделение труда, этапы развития, эволюция как формирования туризма, фордизм, постфордизм, модернизация, постмодернизация.

TURAYEV Z.N. EVOLUTION AND STAGES OF DEVELOPMENT OF TOURISM AS A BRANCH OF THE ECONOMY

The emergence of tourism as economy's one of the sectors, its evolution from the second half of the twentieth century to the present day, the characteristics of the stages of development, the advantages and disadvantages of various theories and models of development are reflected in economic development. In many developed and developing countries, which are the main tourist destinations, the development of tourism is based on the characteristics of the country's natural, historical and cultural resources, their geographical position advantageous, state of production, level of its development, and standard of living. Many years of rich experience have been accumulated in Europe, the USA and Canada, the Asia-Pacific region, China, Japan, Indonesia and Australia. The fact that the development of tourism at the beginning of the XXI century is recognized by many researchers as a wave of post-globalization, more attention is paid to the phenomenon of tourism in all countries. That requires the study and analysis of foreign experience.

Key words: tourism industry, division of labor, stages of development, evolution of education as a network, Fordism, post-Fordism, modernization, postmodernization.

Кириш.

XXI асрга келиб туризм жаҳон иқтисодиётининг йирик ва динамик ривожланаётган соҳаси сифатида кўплаб мамлакатлар, минтақалар ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурди, 2019 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,3 фоизи ва 330 миллион иш ўрни ёки жами бандликнинг 10,4 фоизи туризм соҳасига тўғри келган¹.

Туризм глобаллашув жараёнининг бир кўриниши сифатида, жаҳон ҳўжалигининг тарихида энг қудратли интеграцион тўлқин сифатида тавсифланади. У туризмда ўсиб бораётган интеграциялашув жараёнларини акс эттириб, сайёрамиз миқёсида ягона туристик маконни ташкил этишни назарда тутди. Бу тамойилни ишлаб чиқиш ривожланишнинг очиқ йўлини танлаган мамлакатларда долзарб бўлиб, очиқ иқтисодиётни ташкил этиш туристик фаолиятни эркинлаштириш, туристик расмиятчиликларни соддалаштириш ва туристик ҳаракатни мамлакат ичида кенгайтириш билан бирга жаҳон туристик маконига мамлакатни янада фаол жалб этишни назарда тутди.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017-2021 йилларда кенг кўламли ислохотларнинг амалга оширилиши, жаҳон бозорида ўз ўрнини яхшилаш борасида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда². Туризм соҳасининг жадал ривожланишини таъмин-

лаш учун унинг ривожланиш хусусиятларини, унинг таркибий тузилишини, ривожланиш босқичларини, замонавий туризм саноати бошқа мамлакатларда тизимли ташкил этилишини илмий жиҳатдан ўрганиш талаб этилади. Бу борада республикаимиз олимлари томонидан назарий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилаётганлиги, уларнинг таклифлари ислохотлар самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш лозим³.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Ушбу тадқиқотда асосий масала қилиб XX асрнинг иккинчи ярмида туризмнинг иқтисодиёт тармоғи сифатида шаклланиш жараёнларини ўрганиш, бу борада олимларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиш, уни тизимлаштириш, ривожланиш босқичларини, ўзга хос ривожланиш хусусиятларини даврларга бўлиб ўрганиш, моҳиятини очиб бериш ва улардан мамлакатимиз туризм соҳасини жадал ривожлантиришда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг иккинчи ярмида туризмнинг иқтисодиёт тармоғи сифатида шаклланиш жараёнларини ўрганган олимларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида уларни тизимлаштириш, ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш, ўзига хос ривожланиш хусусиятла-

¹ WTTC and Oxford Economics. All values are in constant 2019 prices & exchange rates. As reported in March 2020

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони // lex.uz

³ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2006. – 424 с.; Тўраев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.: «Фан», 2009. – 154 с.; Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. – Т.: "Фан", 2011. – 280 б.; Норчаев А. Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. DSc дисс. - Т.: 2021. - 246 б.

рини даврларга бўлиб ўрганиш, моҳиятини очиб бериш ҳамда Ўзбекистонда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Асосий натижалар.

Замонавий туризм саноати тизимли ташкил этилган ва мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг асосида меҳнат тақсимооти туришини ҳисобга олмасдан туриб, туризм феноменини ва туризм бозорларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш мумкин эмас.

Биринчидан, туризм хизмат кўрсатиш соҳаларидан бири сифатида моддий ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларидан кейин вужудга келган ва ижтимоий эволюциянинг муайян босқичига, XIX аср саноатлашган жамиятига мос келади.

Иккинчидан, меҳнатнинг кўпгина турлари иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқиб, тармоқларга бўлинган бўлса, улардан фарқли равишда туризм саноати хўжалик юртишнинг йиғма соҳаси сифатида вужудга келган.

Учинчидан, у турли меҳнат фаолиятларини – саёҳат қилувчи шахс учун транспортда ташиш, жойлаштириш, овқатланиш, кўнгил очар тадбирларни ташкил этиш, туроператорлик ва турагентлик фаолиятларини ягона бутун меҳнат фаолиятига айлантирди. Ушбу таркибий қисмлар турли тарихий даврларда вужудга келган ва улардан баъзилари хусусан, ҳозирги вақтда меҳмонхона хўжалиги фаолиятининг илдизи қадимий цивилизацияларга бориб тақалади¹.

Хорижда туризмни иқтисодиёт тармоқларидан бири сифатида жиддий ўрганиш 1960 йиллар ўрталарида М.Клоусон ва Дж.Кнетчетлар (Clawson M. and Knetsch J. L., 1966) томонидан "Economics of Outdoor Recreation" номли китоби² чоп этилгандан сўнг бошланган. 1970 йилда Грэй (Gray H. P., 1970) туризм ва савдо ўзаро таъсири масалаларини тадқиқ этган ва халқаро ташрифлар ва халқаро савдонинг ўзаро таъсири ҳақида китобини нашр

этирган³. Шу вақтдан бошлаб иқтисодчилар томонидан туризмни иқтисодий фаолият соҳаси сифатида ўрганиш фаоллаша бошлаган. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон туризмнинг ҳудудий таркибидаги туб ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари қайта қурилиши унинг ҳудудий таркиби тадрижий ривожланишига олиб келди.

Илгари кўпгина мамлакатлар иқтисодиётида туризм иқтисодий фаолиятнинг муҳим соҳаси сифатида қаралмаган бўлса, вақт ўтиши билан туризмнинг ҳам сифат ҳам миқдор кўрсаткичлари орта бориши билан жаҳон иқтисодиётида ҳам миллий иқтисодиётларда ҳам туризмнинг жадал ривожлантирилишига устувор вазифа сифатида қарала бошланди. 1980 йилларга келиб туризмнинг аҳамиятини ва унинг бошқа иқтисодий ва ижтимоий фаолият турлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқ тушуниш бошланди⁴. Туризм хизматлари кўрсатувчи корхоналар ривожланиши билан уларнинг иқтисодий фаолият натижаларини аниқлаш имкони пайдо бўлди ва АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Испания, Франция, Канада каби мамлакатларда биринчилардан бўлиб тадқиқотлар олиб борилди ва миллий иқтисодиётга туризмнинг қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳисоботлар ишлаб чиқишга бошланган.

Иқтисодий ривожланиш босқичлари мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик XX асрнинг 50-60-йилларида У.Ростоу томонидан таклиф этилган моделга кўра аниқланган бўлиб, у туризм соҳаси олимлари тадқиқотларига татбиқ этилиб, ҳозиргача классик модель деб тан олинган⁵.

У.Ростоу мамлакатларнинг ривожланиш босқичларидан келиб чиқиб, қайси жамиятга тегишли эканлиги ривожланиш хусусиятларини белгилаб беришини, ишлаб чиқариш усуллари, аҳоли турмуш даражаси, барқарор анъаналар, инвестициялар самарадорлиги уларнинг ривожланиш суратларига таъсир қилишини ва улар ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиб берган. Ривожланаётган мамлакатлардаги ишлаб

³ Gray H.P. (1970). International travel- international trade. Lexington, Massachusetts: D.C. Heath.

⁴ Международные рекомендации по статистике туризма ЮНВТО (МРСТ 2008). Статистические документы. Серия М № 83, Мадрид, Нью-Йорк, 2008.

⁵ Чхун Пахук «Социально-экономические проблемы и стратегия развития туризма в регионе (на примере Воронежской области)». Дисс. к.э.н. - Воронеж: ВГУ. 2001. - С. 29.

¹ Александрова А.Ю. География туризма. М.: КНО-РУС, 2008. Стр. 73-75.

² Clawson, M., & Knetsch, J. L. (1966). Economics of Outdoor Recreation. Baltimore, MD: John Hopkins University Press.

1-расм. Ривожланиш назариялари ва туризмни ривожлантириш хусусиятлари¹.

чиқариш усуллари замон талабига жавоб бермаслиги, аҳоли турмуш даражаси, инвестициялар самарадорлигининг пастлиги ривожланган мамлакатларга қараганда ўсиш суратлари паст бўлишининг асосий сабаби эканлигини англаб етган. Жаҳон иқтисодиёти ва туризми бутунлай ўзгариб бораётган бўлсада, У.Ростоу гипотезаси эскирмаганлигини, балки янги статистик маълумотлар билан асосланиши давом этаётганлигини «ўрта синф» кўпчилики ташкил этадиган, аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган, маҳсулот ва хизматлар оммавий истеъмоли рўй бераётган ривожланган мамлакатларда туризмнинг юқори даражада ривожланганлигида яққол кўришимиз мумкин.

Туризмнинг иқтисодиёт тармоқларидан бири сифатида вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши ўтган аср ўрталаридан ҳозирги кунларгача бир қатор босқичларни босиб ўтган бўлиб, турли босқичларда турли қарашлар, назариялар

илгари сурилганлиги, турли моделлар ва стратегиялардан фойдаланилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу жараёнларни тадқиқ этган олимлар вақт ўтиши билан бошқа тармоқларда бўлгани каби туризм соҳасида ҳам ривожланишда фарқлар вужудга келганлигини тушунишга ҳаракат қилишган.

Фикримизча, туризмнинг ҳозирги кунгача ривожланиш жараёнларини, эволюциясини яхшироқ тушуниш учун ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқич 1950-1980 йиллар.

Бу босқич Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётида туб бурилишлар рўй берган, кўпгина мустамлакалар мустақилликка эришган давр ҳисобланади. Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, улардаги ишлаб чиқариш усуллари, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётни тиклаш учун киритилаётган инвестициялар миқдоси ва самарадорлиги иқтисодий ўсишга турлича таъсир этган. Миллий ишлаб чиқаришнинг ўша даврдаги рақобатбардошлиги юқори, саноат ишлаб

¹ Sharpley, R. 2009. Tourism Development and the Environment: Beyond Sustainability? London: Earthscan. pp. 29-56. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқариши устун бўлган мамлакатларда ривожланиш суратлари бошқа мамлакатларга қараганда юқорироқ бўлган ва иқтисодийни ушбу мамлакатлар жадал суратларда ривожлантира олишган. Эндигина мустақилликка эришган, анъанавий ишлаб чиқариш усулига асосланган, аҳоли турмуш даражаси паст бўлган, иқтисодийни тиклаш учун ташқи инвестицияларга эҳтиёжи бўлган мамлакатларда ривожланиш суратлари ҳам кутилган даражада бўлмаган. Бироқ барча мамлакатлар асосий эътиборни иқтисодийни модернизациялашга, туризмни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга ҳаракат қилишган. Д.Харрисон, М.Моуфорт, Р.Шарплей, Д.Телфер тадқиқотларида¹ бу давр модернизациялаш назарияси "олтин асри" сифатида тавсифланган (1-расм).

Бу даврда ҳозирги ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш жадал суръатларда ошган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилмаган, ривожланган мамлакатларга қарамлик ҳолатлари вужудга келган. Натижада 1960 йилга келиб кутилган ривожланиш суръатларини таъминлай олмаган мамлакатларда рўй бераётган жараёнларни тушунтириб берувчи қарамлик назарияси деб номланган назария вужудга келди.

Баъзи тадқиқотчилар ривожланишдаги тафовутларга "ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланган мамлакатлар билан тенг бўлмаган алмашинуви, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодийдаги ички таркибий муаммолар, капиталистик ғарб билан алоқаларни узишлари, инвестициялар етишмаслиги сабабли қолақлигича қолиб кетишмоқда, Ғарбда эса капитализм ва автоном саноатлашув сабабли ривожланиш вужудга келди, шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар Ғарб мамлакатлари изидан бориб улардан андаза олишлари ва уларга етиб олишлари лозим"², деган қарашларни илгари суришган.

¹ Harrison, D. 1988. *The Sociology of Modernization and Development*. London: Routledge.; Mowforth, M. and Munt, I. 2009. *Tourism and Sustainability: Development, Globalisation and New Tourism in the Third World*. London: Routledge. pp.31-46.; Sharpley, R. 2009. *Tourism Development and the Environment: Beyond Sustainability?* London: Earthscan. pp. 29-56.; Telfer, D. 2015. *The Evolution of Tourism and Development Theory*. In *Tourism and Development: Concepts and Issues*, 2nd ed., ed. Sharpley, R. and Telfer, D., 31-73. Clevedon: Channel View.

² Harrison, D. 2015. *Development theory and tourism in developing countries: what has theory ever done for us?* IJAPS, Vol. 11, Supplement 1, 53-82.

Бу назарияларнинг афзалликлари ва камчиликлари борасида П.Бергер капиталистик ва социалистик ривожланиш йўлини танлаган Бразилия ва Хитойда кутилган натижага эришилмаганлигини, модернизациялаш ва қарамлик назариялари камчиликларга эга эканлигини қайд этган³.

Фикримизча, уларнинг иқтисодийдаги ўзига хосликлар, фан-техника тараққиёти даражаси, молиявий маблағ ва тадбиркорлик кўникмаларининг етарли эмаслиги ва ташқи омилларга боғлиқлик иккала мамлакатда ҳам кутилганидек самара бермаганлигини қарамлик назарияси орқали тушунтиришга ҳаракат қилишган.

Қолақлик ёки қарамлик назариясида туризм соҳасида шериклик муносабатларидаги номутаносибликлар танқид қилинган⁴. Улар халқаро туризмда айниқса ривожланаётган мамлакатлар йўналиш сифатида қараладиган бўлса, улар шериклар сифатида кичик ва тенг ҳуқуққа эга бўлмаган ҳамкор сифатида ривожланган мамлакатлар хусусан, трансмиллий компаниялар, туроператорлар ёки меҳмонхоналар гуруҳи томонидан шартнома шартларини белгилашда ўз музокара кучларини иқтисодий ва эҳтимол ижтимоий, маданий ёки сиёсий жиҳатдан кичик ҳамкорларининг фойдада улушини имкони қадар камайтиришга интилишаётганлигини, ривожланаётган мамлакатларда туризм соҳасидаги ҳамкорликда хорижий валютанинг катта қисмини бошқарувга бериш ёки франшиз шартномалари учун тўловлар ва бошқа шаклларда олиб қўйишаётганлигини мисол қилиб келтиришган.

Ривожланаётган мамлакатлар туристик йўналиш сифатида кучлар номутаносиблигига дуч келган ҳолатлар 1980 йилларда кенг тадқиқ этилган бўлиб, "қарамлик" ҳолатлари бир қатор тадқиқотларда очиб берилган⁵. Қарамлик назарияси тарафдорлари "қарамлик" ҳолатида ривожланишни тўғри деб ҳисоблайдиганлар ва "қарамлик"

³ Berger, P. (1974) *Pyramids of Sacrifice: Political Ethics and Social Change*. Harmondsworth: Penguin Books. PP. 14-15.

⁴ Mowforth, M. and Munt, I. 2009. *Tourism and Sustainability: Development, Globalisation and New Tourism in the Third World*. London: Routledge. Pp. 32-33, 52-60.

⁵ Telfer, D. 2015. *The Evolution of Tourism and Development Theory*. In *Tourism and Development: Concepts and Issues*, 2nd ed., ed. Sharpley, R. and Telfer, D., 43-48. Clevedon: Channel View.; Harrison, D. 2001a. *Less Developed Countries and Tourism: The Overall Pattern*. In *Tourism and the Less Developed World*, ed. Harrison, D., 7. Wallingford: CAB International.

ривожланишга олиб келмайди деб ҳисоблайдиган тадқиқотчилар гуруҳи вужудга келган.

Қарамлик ҳолатида ривожланишни ёқлаб чиққан тадқиқотчилардан С.Бриттон йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида халқаро туризм ривожланишини тадқиқ этган ҳолда трансмиллий корпорацияларга қарамлиги мавжуд бўлган кичик орол мамлакатларнинг туризм орқали ривожланиши мамлакатни ташқи кучлардан ҳимоя қилишни афзал билган, протекционизм тарафдори бўлган мамлакатларга қараганда ривожланиши яхшироқ бўлганлигини таъкидлайди¹. Чет эл инвестициялари кириб келиши натижасида ривожланиш яхшироқ бўлиши трансмиллий компаниялар бошқа жойдагиларга қараганда ходимларга кўпроқ ҳақ тўлаши, уларни ўқитиш схемасига эгалиги ва кўпинча ижтимоий жавобгарликка кўпроқ жалб қилиниши орқали тушунтиришади². "Қарамлик" ҳолати салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисоблайдиганлардан бири А.Филипс эса "маҳаллий инвестициялар чет эл инвестицияларига қараганда афзал, олинган фойда мамлакат ёки минтақада қолади"³ деган ғояни илгари суради.

Ўтган асрнинг 60-йиллари охири 70-йиллари бошига келиб жаҳон иқтисодиёти олдинги йилларга нисбатан ривожланиши янги назариялар - неолиберализм ва неостатизм назариялари вужудга келишига сабаб бўлди. Неолиберализм назариясида модернизациялаш жараёнлари саноатлашув ва ривожланишни рағбатлантириши учун туризм бозорлари очик бўлиши, ресурсларни тақсимлашни эркинлаштириш лозимлиги таъкидланади. Хусусий тадбиркорликнинг туризмдаги роли муҳимлигини илгари сурадиган неолиберал тамойилларга амал қиладиган ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ушбу ёнда-

шувни тўғри деб ҳисоблашади⁴. Осиё тараққиёт банки 2003 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда Буюк Меконг субминтақаси (БМС) дастурига 58,7 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит ва грант мабалағларини ажратишган. Осиё тараққиёт банкининг минтақавий ҳамкорлик стратегияси ва БМС дастурининг муҳим устувор йўналишлари кучли неолиберализмни яъни трансчегаравий саёҳатларни осонлаштириш, миллий бозорларни бирлаштириш ва хусусий тармоқларни ривожлантиришни акс эттиради⁵.

Неостатизм назариясида Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий мўъжизасига асосланган ҳолда давлатнинг глобал иқтисодиётдаги роли муҳимлиги таъкидланади⁶.

Неостатизм ва неолиберализм назариялари ҳам модернизациялаш назариясининг бир бўлаги сифатида туризм соҳасининг мамлакатлар иқтисодиётида етакчи мавқега эга бўлиб боришида, юқори ўсиш суръатларини таъминлашда ривожланаётган ҳамда ривожланган мамлакатларга таъсири бўйича мунозаралар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Илм-фан ривожланиши, илғор технологияларнинг қўлланилиши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланишдаги тафовутларнинг қисқаришига олиб келди ва бу ҳолат туризм соҳасида ҳам кузатила бошлади.

Модернизациялаш назарияси тарафдорлари ва уларга қарши бўлганлар ривожланиш даражасидаги тафовутлар камайиши кузатилаётган бир вақтда барча учун маъқул келадиган янги ривожланиш моделлари, назарияларига эҳтиёж сеза бошлади, бу эса янги ғоялар, янги назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Иккинчи босқич 1990 йиллар бошидан ҳозирги кунгача. XX асрнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошида глобаллашув шароитида ривожланишнинг кейинги босқичи қандай бўлиши керак деган саволга жавоб топиш қийинлашди ва янги ривожланиш назарияларига эҳтиёж сезила бошлади.

¹ Britton, S. (1982) The Political Economy of Tourism in the Third World. *Annals of Tourism Research* 9 (2): 331–358.; Britton, S. (1987a) Tourism in Pacific Island States: Constraints and Opportunities. In *Ambiguous Alternatives*, ed. Britton, S. and Clarke, W., 131. Suva, Fiji: University of the South Pacific.

² Harrison, D. and Prasad, B. (2013) The Contribution of Tourism to the Development of Fiji and Other Pacific Island Countries. In *Handbook of Tourism Economics*, ed. Tisdell, C. 750–755. Singapore: World Scientific Publishing.

³ Phillips, A. (1977) The Concept of Development. *Review of Political Economy* 8: 19.

⁴ Telfer, D. 2015. The Evolution of Tourism and Development Theory. In *Tourism and Development: Concepts and Issues*, 2nd ed., ed. Sharpley, R. and Telfer, D., 48–57. Clevedon: Channel View.

⁵ Harrison, D. 2014. Tourism and Development: From Development Theory to Globalisation. In *The Wiley-Blackwell Companion to Tourism*, ed. Hall, M., Lew, A. and Williams, A., 148. Oxford: Blackwell.

⁶ Payne, A. and Phillips, N. (2010) *Development*. Cambridge: Polity. PP. 98–115.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида юқори ўсиш суръатларини таъминлайдиган анъанавий ресурслар чекланганлиги уларни сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишга, янги ресурс турини топишга мажбур қилди.

XX асрда дунё аҳолиси 4 баробарга, жаҳон ишлаб чиқариши ҳажми 18 баробарга ошири, табиатга етказилган зарар ҳалокатли ҳолатга олиб кела бошлади. Табиат ресурслари ҳам миқдор жиҳатдан чекланган бўлиб, ундан аёвсиз фойдаланиш натижасида иқлим ўзгаришлари, озон қатлами емирилиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ичимлик суви танқислиги, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши, ернинг шўрланиши, фойдали қазилмаларнинг аёвсиз ишлатилиши каби глобал экологик муаммолар вужудга келишига олиб келди¹.

Глобал экологик муаммолар табиат билан инсон ўртасидаги маълум бир нисбатни, мувоzanатни сақлаш заруратини келтириб чиқарди. Бу даврда вужудга келган ривожланиш назариясини ғарб мамлакатларида "постмодернизм" яъни "модернизмдан кейинги" назария деб аташ бошлади. Ривожланган мамлакатларда постмодернизм назариясини "постиндустриализм" тушунчаси билан боғлашади. Постиндустриализм тушунчаси "саноатлашувдан кейинги" деган маънони англатади. Постиндустриализмни постиндустриал жамият (саноатлашувдан кейинги жамият) тушунчасига боғлаган ҳолда Д.Белл ақлий фаолият соҳалари ва касбий ихтисослашув натижасида ахборот соҳаси ривожланиб боришини тахмин қилган².

Унга кўра саноатлашувдан кейинги жамиятда қуйидаги ўзгаришлар рўй беради:

- 1) иқтисодиёт тармоқлари: ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатиш соҳасига ўтади;
- 2) касбий тақсимот: касбининг моҳир усталари ва техник тоифадагилар устун мавқега эришади;
- 3) асосий тамойил: назарий билимларнинг жамиятдаги инновациялар манбаи сифатидаги марказий мавқеи ошади;
- 4) келажақдаги ихтисослашув: технологияларни назорат қилиш бўлади;
- 5) қарор қабул қилиш: янги ақлли технологияни яратишдан иборат бўлади.

¹ Экология. Человек - экономика - биота - среда : учебник для студентов вузов / Т. А. Акимова, В. В. Хаскин. - 3-е изд., перераб. и доп. - М. : ЮНИТИ, 2007. - С.49.

² Daniel Bell. The postindustrial Society. — New York: Basic books, 1973.

Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келажақда иқтисодиётнинг асоси, яъни, асосий даромад манбаи ақлли технологиялар, инновацияларларга асосланган хизматлар соҳаси бўладиган бўлса, хизматлар соҳаси таркибида бўлган туризм соҳаси ҳам ақлли технологиялар, инновацияларни қўллаш орқали ривожланишга ўтади.

Постмодернизм назарияси туризмда "муқобил ривожланиш" ва "барқарор ривожланиш" концепциялари орқали ривожлантирилмоқда. Ушбу концепциялар оммавий туризм ривожланишини маъқулламасада, оммавий ва муқобил туризмни ривожлантириш бир бирига зид эмас. Туризмнинг барқарор ривожланиши деганда инсонларга ёки атроф муҳитга зарар етказмасдан барқарор ривожланишни тушуниш лозим.

Барқарор туризм кўпинча туризмни ривожлантириш режаларида акс эттирилган бўлсада, М.Мовфорт ва И.Мантлар туризмнинг барқарорликка қўшган ҳиссаси кўпинча амалда эмас, балки таъкидларда акс этади деб ҳисоблашади³.

Р.Шарпли қарашларида биров бошқачароқ ёндашувни кўришимиз мумкин, у туризмнинг барқарор ривожланиши "ахлоқий жиҳатдан исталган ривожланиш бироқ, моҳиятига кўра идеалистик ва амалиётда қўллаш мумкин бўлмаган муқобилликдир"⁴, деб ҳисоблайди ва шундан келиб чиқиб, у "атроф муҳит ҳолатини маҳаллий даражада белгилаб" янада аниқроқ ва янада кўпроқ "ташриф манзиллари"га эътибор қаратишни таклиф этади. Бошқача айтганда маҳаллий манфаатдор томонлар биргаликда туризмдан кўриладиган фойдани чамалаган ҳолда вазиятни назорат қилиш шароитларини белгилаб олишни таклиф этадилар. Туризмнинг иқтисодиёт тармоғи сифатида ривожланиши босқичлари назарияларидан ташқари ривожланиш моделларини ҳам босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, туризм соҳаси ривожланиши эволюциясини XX асрнинг 50-йилларидан ҳозирги кунгача бўлган даврда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун умумий бўлган модел-

³ Mowforth, M. and Munt, I. 2009. Tourism and Sustainability: Development, Globalisation and New Tourism in the Third World. London: Routledge. pp. 376.

⁴ Sharpley, R. 2009. Tourism Development and the Environment: Beyond Sustainability? London: Earthscan. Pp. 77.

1-жадвал. Туризмнинг иқтисодиёт тармоғи сифатидаги эволюцияси ва ривожланиш босқичлари¹

Ривожланиш моделлари	Назариялар	Босқич-лар	Ривожланиш хусусиятлари
Фордизм модели (XX аср бошларидан 1980 йилларгача)	ПРЕМОДЕРН (аграр и/ч) Эволюцион назария (Г.Спенсер), Ижтимоий ҳамжиҳатлик (Э. Дюркгейм)	1860-1920 йй.	Биринчи туризм корхонаси ташкил топди, транспорт хизматларидан фойдаланиш йўлга қўйилди, маҳаллий ва халқаро туристик йўналишлар ишлаб чиқилди.
		1920-1950 йй.	Дастлабки туристик ташкилотлар Бутунжаҳон туристик ташкилоти (1925 й.), Расмий туристик ташкилотлар халқаро иттифоқи (1947 й.) ташкил топди, туристик инфратузилма, дам олиш масканлари, курортлар қурилиши жадаллашди.
	МОДЕРНИЗМ (саноат и/ч) (1950-1990 йй.) 1.Қарамлик назарияси (1960–1970 йй.) 2. Неолиберализм ва Неостатизм назариялари (1970–1980 йй.)	1950-1980 йй.	Туризмга интеграцион жараёнлар кириб кела бошлади. Дам олиш, жойлаштириш, овқатланиш, кўнгил очиш ва бошқа фаолиятларнинг стандарлаштирилган хизматларга ўтилиши рўй берди. Бронлаштиришнинг ҳозирги замон компьютер тизими – Computer Reservation System (CRS)га асос солинди. Ҳаво транспортида резервлаштириш тизимлари ("American Airlines" ва "United Airlines" компаниялари) яратилди.
Постфордизм модели (1980 йиллардан ҳозиргача)	ПОСТМОДЕРНИЗМ (хизматлар, рақамли иқтисодиёт) (1980 йй. - ҳ.в.) 1.Муқобил ривожланиш назарияси (1980-90 йй.) 2.Барқарор ривожланиш концепцияси (1990 йй. - ҳ.в.)	1990 йиллардан ҳозиргача	Туризмда ахборот-коммуникацион технологиялар, глобал дистрибьютор тизими (Global Distribution Systemes - GDS) кенг жорий қилиниши, Трансмиллий компания (ТМК)лар туризмга (меҳмонхона, овқатлантириш, транспортда) кириб келди. Истеъмолчилар бозори устунлик қила бошлади.

лар ҳукмрон бўлган даврларга ажратиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Модернизациялаш назарияси ривожланган даврларда дам олиш, жойлаштириш, овқатланиш, кўнгил очиш ва бошқа фаолиятлар форд модели асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилишган. Бу даврда туризм саноатида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг форд модели² америкадаги жойлаштириш воситалари ва умумий овқатланиш корхоналарида йўлга қўйилган бўлиб, "Мак Дональдс" корпорациясида 1950 йилларда Реймонд Крок томонидан менюдаги таомлар сонини қисқартириш, стандарт рецепт

ва таом тайёрлаш технологияси, тезкор хизмат кўрсатиш ва арзон нархлар унинг муваффақиятга эришишини таъминлади. Жойлаштириш саноатида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг форд модели 1950-1960 йилларда гуллаб яшнаган ва 1970 йиллар ўрталаригача давом этган бўлсада, кейинчалик амалиётда қўлланишида тафовутлар вужудга кела бошлаган.

1975-1980 йилларда халқаро туристлар ташрифи ўртача йиллик 5,3 фоизга қисқарган, стандартлашган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад қисқариб борган. Аҳоли даромадларининг ошиши билан истеъмолнинг хусусиятлари ўзгарди ва индивидуал ёндашув муҳим аҳамият касб эта бошлади,

ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2021, 9(145)

¹ Муаллиф ишланмаси

² Spode, Hasso. «Fordism, Mass Tourism and the Third Reich.» Journal of Social History 38(2004): 127–155.

“Ишлаб чиқарувчилар” бозори аста секин “Истеъ-молчилар” бозорига айланди.

Оммавий конвейер туризмдан оммавий дифференциаллашган туризмга ўтиш 1970-1980 йилларда рўй берди. Таътиллarda моддий бойликларни истеъмол қилишдан кўра пляжларда пассив дам олиш аста секин туристик хулқ атворнинг янги моделига ўрнини бўшатиб берди, борлиқни билиш ва таассуротлар, ҳаётдан баҳра олишга мослашди. Шундай қилиб шахси номаълум фордча конвейер ишлаб чиқариш тизими бозор талабларига жавоб бера олмай қолди, туризм саноати индивидуал туристик эҳтиёжга йўналтирилиб постфордизм даврига ўтди¹.

Постфордизмга хос хусусиятлар қуйидагилар:

- кичик серияли ишлаб чиқариш;
- маҳсулотлар ва мутахассисликларнинг тор ихтисослашуви;
- кўлам тежамкорлиги (en: economies of scope): бунда маҳсулот бирлиги харажатлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан эмас балки, вариативликнинг ўсиши яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ўсиши билан камайиб бориши;
- янги ахборот технологияларини қўллаш;
- «оқ ёқалилар» ва хизмат кўрсатиш соҳасининг гуллаб-яшнаши;
- ишчи кучи феминизациясида (таркибида) аёлларнинг кўпайиши.

Янгича ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳити минтақавий ривожланишда муҳим роль ўйнаган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибида силжишлар бўлишини шарт қилиб қўйди. Постфордизм ҳудудий ёндашув аҳамиятини кучайтиришининг сабаби шундаки, индивидуал туристик эҳтиёжларни қондириш учун таклиф этилаётган хизматлар турлари кўп бўлиши ва уларнинг бир жойда мужассам бўлишига интилиш кучайиб бормоқда. Шу боис маълум туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда комплекс ривожланиш йўллари топишга ҳаракат қилинмоқда ва туристик кластерларни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан кейинги даврда туризмнинг ривожланиши босқичлари ва танланган моделларни ўрганган ҳолда айтиш мумкин, ҳар бир мамлакат ўз ривожланиш моделини танлашда маҳаллий хусусиятларни, ресурс салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда пухта режалаш-

тирилган чора-тадбирларни белгилаши, туризмнинг ривожланишга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар турли туман эканлигини ҳисобга олган ҳолда туризм ривожланишини таъминлаш мумкин.

Мамлакатимизда туризм соҳаси эволюциясини мустақилликгача ва мустақилликдан кейинги даврларга ажратиш мумкин. Мустақиллик йилларида туризмнинг ривожланиш босқичлари туризм инфратузилмасининг ривожланиш босқичлари билан бевосита боғлиқ. А.Н. Норчаев томонидан мамлакатимиз туризм инфратузилмаси 1992 йилда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил топгандан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврда шаклланиш ва ривожланиш босқичлари еттита босқичга ажратилган².

1993-1994 йилларда мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг миллий модели ишлаб чиқилиб қатор объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштириш амалга оширилган. 1995 йилда хорижлик туристлар учун ягона туристик виза жорий қилиниб, “Мерос” миллий дастури тасдиқланган бўлса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари махсус очиқ иқтисодий зонага айлантирилди. 1996-1997 йилларда туризм соҳасида фаолият юритаётган 90 фоиз ташкилотлар хусусийлаштирилиши соҳа ривожидан янги қиёфа касб этди. 1998 йилда туризмнинг барқарор ривожланиши, хусусий капитал ва хорижий инвестициялар барқарор оқими таъминланди, хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси ташкил этилди. 1999-2016 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни³ қабул қилинди, хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган элчихоналарда туризм бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. 2016 йилда ҳозирги кунгача бўлган давр ўзининг кескин ўзгаришлари, жадал ислохотлар даври эканлиги билан ажралиб туради. 2016 йилда мамлакатимизга 2 млн. хорижлик туристлар ташриф буюрган бўлса, 2019 йилда пандемиягача бўлган даврда 6,7 миллиондан ортиқ хорижий туристлар ташрифи ислохотлар кўлами ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бу вақт оралиғида туризм соҳасини жадал ривожлантириш, уни иқтисодиётимизнинг стра-

¹ Hall, S. (1988) Brave new world. Marxism Today, October, page 24.

² Норчаев А. Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. DSc дисс. - Т.: 2021. - 246 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонуни/ «Халқ сўзи», 1999 й., 182 (2220)-сон.

тегик тармоқлари қаторида ривожланиши учун 60 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳа ривожига жадаллашди.

Хулоса ва таклифлар.

Республикаимизнинг туристик салоҳияти юқори бўлгани билан, ундан самарали фойдаланиш ҳолати талаб даражасида бўлмаган, истиқболли ҳудудларида туризм соҳасини жадал ривожлантириш, инфратузилмани халқаро талаблар даражасида модернизациялаш, замонавий ахборот технологиялар, инновацияларни кенг қўллаш ислохотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса модернизациялаш назарияларида келтирилган усулларни ҳамда постмодернизм назариялари асосида ривожланишни ташкил этишнинг муқобил ва барқарор ривожланиш концепцияларини қўллаш ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Туризм соҳасини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда мамлакатимизда қуйидаги жиҳатларини қўллаш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини жаҳоннинг ўртача кўрсаткичлари даражасида бўлишига эришиш учун замонавий туризм инфратузилмасини шак-

ллантириш ишларини жадаллаштириш, модернизация қилишни тезлаштириш учун нафақат хорижий сармоядорлар балки маҳаллий тадбиркорларни ҳам туризм соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кенгроқ жалб этиш керак;

Иккинчидан, мамлакатимизда вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида фарқлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган минтақалар ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовутни қисқартиш сиёсатида туризмни ривожлантиришга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия муассасалари томонидан бериладиган имтиёзли кредитларни мақсадли инвестициялар шаклида йўналтириш орқали маҳаллий тадбиркорларни давлат-хусусий шерикчилиги асосида туризм тадбиркорлигига жалб этиш етарлича молиявий салоҳият бўлмаган минтақалар учун жуда муҳим ҳисобланади¹.

Учинчидан, давлат томонидан соҳа ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мустаҳкам ташкилий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосни барпо этишда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги "Туризм тўғрисида"ги Қонуни // «Халқ сўзи», 1999 й., 182 (2220)-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони // lex.uz
3. Александрова А.Ю. География туризма. - М.: КНОРУС, 2008. С. 73-75.
4. Тўраев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.: «Фан», 2009. – 154 с. Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. – Т.: "Фан", 2011. – 280 б.
5. Норчаев А. Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. DSc дисс. - Т.: 2021. - 246 б.
6. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2006. – 424 с.
7. Чхун Пахук «Социально-экономические проблемы и стратегия развития туризма в регионе (на примере Воронежской области)». Дисс. к.э.н. - Воронеж: ВГУ. 2001.
8. Экология. Человек - экономика - биота - среда : учебник для студентов вузов / Т. А. Акимов, В. В. Хаскин. - 3-е изд., перераб. и доп. - М. : ЮНИТИ, 2007.

¹ Муминов Н., Хамраев О. Концепция «Нового государственного управления» и зарубежный опыт в сфере социального партнерства // Актуальные научные исследования в современном мире. 2018. № 6-4 (38). С. 119-123.

9. Berger, P. (1974) *Pyramids of Sacrifice: Political Ethics and Social Change*. Harmondsworth: Penguin Books. PP. 14-15.
10. Britton, S. (1982) *The Political Economy of Tourism in the Third World*. *Annals of Tourism Research* 9 (2): 331–358.
11. Britton, S. (1987a) *Tourism in Pacific Island States: Constraints and Opportunities*. In *Ambiguous Alternatives*, ed. Britton, S. and Clarke, W., 131. Suva, Fiji: University of the South Pacific.
12. Clawson, M., & Knetsch, J. L. (1966). *Economics of Outdoor Recreation*. Baltimore, MD: John Hopkins University Press.
13. Daniel Bell. *The postindustrial Society*. — New York: Basic books, 1973.
14. Gray H.P. (1970). *International travel-international trade*. Lexington, Massachusetts: D.C. Heath.
15. Hall, S. (1988) *Brave new world*. *Marxism Today*, October, page 24.
16. Harrison, D. 1988. *The Sociology of Modernization and Development*. London: Routledge.
17. Harrison, D. 2001a. *Less Developed Countries and Tourism: The Overall Pattern*. In *Tourism and the Less Developed World*, ed. Harrison, D., 7. Wallingford: CAB International.
18. Harrison, D. 2014. *Tourism and Development: From Development Theory to Globalisation*. In *The Wiley-Blackwell Companion to Tourism*, ed. Hall, M., Lew, A. and Williams, A., 148. Oxford: Blackwell.
19. Harrison, D. 2015. *Development theory and tourism in developing countries: what has theory ever done for us?* *IJAPS*, Vol. 11, Supplement 1, 53–82.
20. Harrison, D. and Prasad, B. (2013) *The Contribution of Tourism to the Development of Fiji and Other Pacific Island Countries*. In *Handbook of Tourism Economics*, ed. Tisdell, C. 750–755. Singapore: World Scientific Publishing.
21. Mowforth, M. and Munt, I. 2009. *Tourism and Sustainability: Development, Globalisation and New Tourism in the Third World*. London: Routledge. pp.31-46.
22. Mowforth, M. and Munt, I. 2009. *Tourism and Sustainability: Development, Globalisation and New Tourism in the Third World*. London: Routledge. pp. 376.
23. Payne, A. and Phillips, N. (2010) *Development*. Cambridge: Polity. PP. 98-115.
24. Phillips, A. (1977) *The Concept of Development*. *Review of Political Economy* 8: 19.
25. Sharpley, R. 2009. *Tourism Development and the Environment: Beyond Sustainability?* London: Earthscan. Pp. 77.
26. Spode, Hasso. «Fordism, Mass Tourism and the Third Reich.» *Journal of Social History* 38(2004): 127–155.
27. Telfer, D. 2015. *The Evolution of Tourism and Development Theory*. In *Tourism and Development: Concepts and Issues*, 2nd ed., ed. Sharpley, R. and Telfer, D., 43-48. Clevedon: Channel View.
28. Международные рекомендации по статистике туризма ЮНВТО (МРСТ 2008). Статистические документы. Серия М № 83, Мадрид, Нью-Йорк, 2008.
29. WTTC and Oxford Economics. All values are in constant 2019 prices & exchange rates. As reported in March 2020
30. Муминов Н., Хамраев О. Концепция «Нового государственного управления» и зарубежный опыт в сфере социального партнерства // *Актуальные научные исследования в современном мире*. 2018. № 6-4 (38). С. 119-123.